



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2019 йил 21 декабрь, № 264 (7494)

Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЯПОНИЯГА ТАШРИФ САМАРАЛИ БЎЛДИ

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Япония Бош вазири Синдзо Абэнинг таклифига биноан 17 — 20 декабрь кунлари расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 20 декабрь куни Токио шаҳрида Япония Императори Нарухито билан учрашди.

Император олий мартабали меҳмонни самимий кутлар экан, ушбу ташриф Ўзбекистон — Япония дўстлик ва стратегик шериклик муносабатларини мустақамлашда муҳим воқеа бўлгани, икки томонлама муносабатларни сифат жиҳатидан янги даражага олиб чиқганини қайд этди.

Давлатимиз раҳбари Император Нарухитога чуқур ҳурмат-эҳтиромини билдириб, «Рейва» деб номланган янги даврда Япония уйғун ривожланишида давом этиши, мамлакат нуфузи ва аҳоли фаровонлиги янада ошишини таъкидлади.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг ташрифи шарафига Япония Императори Нарухито томонидан қабул маросими ўтказилди.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, давлатимиз раҳбарининг Кунчиқар мамлакатга ташрифи тадбирларга бойлиги билан ажралиб турди. Шавкат Мирзиёев ташриф доираси-

да дастлаб Нагоя шаҳрида бўлиб, қатор учрашувлар ўтказди. Дунёдаги энг нуфузли олий таълим масканларидан бири бўлган Нагоя университети ташриф буюрди.

Бу ерда Президентимизга фахрий доктор унвонини топширишга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Шу тариқа 18 декабрь санаси мамлакатимиз ва Нагоя университети тарихига муҳрланди. Негаки, Ўзбекистон раҳбарига фахрий доктор унвонининг берилиши мамлакатимиз тараққиётининг келажаги, деб айнан илм-фан ва таълим танлангани Япониядек ривожланган давлат томонидан эътироф этилгани рамзидир. Иккинчи томондан Шавкат Мирзиёев дунё мамлакатлари етакчилари ичида Нагоя университети фахрий докторлигини олган биринчи Президент бўлди.

Давлатимиз раҳбарининг Токиодаги музокаралари ҳам самарали кечди. Бу ерда Япония Бош вазири ўринбосари, молия вазири Таро Асо, парламентдаги «Ўзбекистон — Япония» дўстлик лигаси фаоллари ҳамда Кунчиқар мам-

лакатнинг етакчи компаниялари ва банклари вакиллари билан учрашувлар ўтказилди. Музокаралар чоғида икки томонлама манфаатли кўплаб кўшма лойиҳалар истиқболлари муҳокама қилинди.

Японияга ташрифнинг учинчи куни ушбу мамлакат парламентининг Вакиллар палатаси раиси Тадамори Осима, Маслаҳатчилар палатаси президенти Акико Санто билан учрашувларда икки мамлакат парламентлараро муносабатларини янада ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди.

Кунчиқар мамлакат Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган ислохотларни доимо қўллаб-қувватлаб келмоқда. Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) президенти Синичи Китаока, шунингдек, дунёга машҳур япониялик архитектор Тадао Андо билан учрашувларда мамлакатимизда ижтимоий ва инфратузилмавий лойиҳаларни ривожлантириш истиқболлари юзасидан фикр алмашилди.

Японияга расмий ташрифнинг асосий тадбирлари

19 декабрь куни Токиодаги Кантэй қароргоҳида бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Япония Бош вазири Синдзо Абэ билан икки мамлакат расмий делегациялари иштирокида музокара ўтказди.

Олий даражадаги музокаралар якунида Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги Стратегик шериклик муносабатларини янада чуқурлаштириш ва кенгайтириш тўғрисидаги Кўшма баёнот, ҳукуматлараро ва идоралараро ҳужжатлар, инвестиция битимлари ва савдо шартномалари имзоланди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Японияга расмий ташрифи якунига етди.

Давлатимиз раҳбари Япониядан МДХнинг норасмий саммитида иштирок этиш учун Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрига жўнаб кетди.

Матназар ЭЛМУРОДОВ,
ЎЗА махсус мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

МДХ МАМЛАКАТЛАРИ РАҲБАРЛАРИНИНГ НОРАСМИЙ САММИТИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 20 декабрь куни Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо мамлакатлар Давлат раҳбарлари кенгашининг норасмий мажлисида иштирок этди.



Президент Шавкат Мирзиёевни Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин кутиб олди.

Икки давлат раҳбарларининг суҳбати бўлиб ўтди, унда икки томонлама муносабатлар ва минтақавий ҳамкорлик истиқболлари, халқаро аҳамиятга молик масалалар муҳокама қилинди.

МДХ норасмий саммитида Арманистон, Беларусь, Молдова, Озарбайжон, Тожикистон, Туркменистон, Қирғизистон ва Қозоғистон раҳбарлари ҳам иштирок этди.

Кўп томонлама ҳамкорликнинг долзарб масалалари, жумладан, 2020 йилда Ҳамдўстликда Ўзбекистон раислигининг устувор йўналишлари кўриб чиқилди.

Шу билан давлатимиз раҳбарининг ташрифи якунланди.

ЎЗА.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

БМТ Бош Ассамблеяси Ўзбекистон томонидан тайёрланган «Марказий Осиёда барқарор туризм ва барқарор ривожланиш» резолюциясини қабул қилди

2019 йил 19 декабрь куни БМТ Бош Ассамблеяси ялпи мажлисида «Марказий Осиёда барқарор туризм ва барқарор ривожланиш» махсус резолюцияси қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси томонидан ишлаб чиқилган мазкур ҳужжат БМТга аъзо барча давлатлар томонидан бир овоздан қўллаб-қувватланди.

Биз ва жаҳон

БМТнинг 2015 йил қабул қилинган 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги глобал кун тартибида туризмга иқтисодийнинг мамлакатлар тараққиётига ҳисса қўшадиган асосий тар-

моқлардан бири сифатида муҳим аҳамият қаратилган. Хусусан, туризм янги иш ўринлари яратиши, мамлакат янги ички маҳсулотининг (ЯИМ) ортиши, савдо ва экспортнинг ўсишига таъсир кўрсатади ҳамда дунё-

даги маданий хилмаҳилликни сақлашга ёрдам беради.

Жаҳон сайёҳлик ташкилоти (ЖСТ) маълумотларига кўра, туризм соҳасидан келаётган йиллик даромад жаҳон экспортининг қарийб 7 фоизи ва жаҳон ЯИМнинг 10 фоизини ташкил этмоқда. 400 тармоқни қамраб олган туризм йилига 1,5 триллион доллардан зиёд даромад келтираётган соҳа сифатида сўнгги йилларда дунё миқёсида барқарор ўсишни кўрсатаётган ягона йўналишидир.



Мулоқот

«БИЗ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ УЧУН КЕЛДИК»

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева ЕХХТ Парламентлараро Ассамблеяси (ПА)нинг Георгий Церетели бошчилигидаги делегацияси билан учрашди. Г. Церетели ЕХХТ ДИИХБ қисқа мuddатли кузатувчилари ва ЕХХТ ПА мувофиқлаштирувчиси сифатида парламент ва маҳаллий Кенгашлар сайловларида иштирок этиш учун Ўзбекистонга ташриф буюрган.

Меҳмон Олий Мажлис Сенати Ўзбекистон ЕХХТ ПАга аъзолигини тиклагани ва бу мамлакатимиз Олий Мажлиси фаолиятидаги муҳим йўналиш эканлигини таъкидлаб ўтди. Учрашув давомида ЕХХТ Парламент Ассамблеяси Ўзбекистон Рес-

публикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга сайловларни кузатиш учун илк бор ташкилотнинг иштирокчи давлатларидан 50 га яқин парламент вакилларини юборгани қайд этилди.



ЯНГИЛАНАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ САЙЛОВЛАРИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига бўлиб ўтаётган бу галги сайловлар мутлақо янги шарт-шароитда, кўплаб янгиликларга бой ҳолда кечаётгани билан алоҳида ажралиб туради. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг Раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист Мирзо Улуғбек АБДУСАЛОМОВ билан суҳбатимиз ушбу муҳим сиёсий тадбир, унга қўрилган тайёргарлик ишлари ва сайловнинг бошқа муҳим жиҳатлари ҳусусида бўлди.

Эртага сайлов. Тайёргарлик қандай?

— Мамлакатимиз фуқаролари ўз конституциявий ҳуқуқларидан фойдаланиб, сайловларда эркин овоз беришлари учун жойларда барча шароит яратилди, — дейди М. Абдусаломов. — Жумладан, 10 минг 260 сайлов участкаси овоз бериш учун тайёрлаб қўйилди.

20 миллион 503 минг 462 нафар сайловчи рўйхатга олинди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига «Янги Ўзбекистон — янги сайловлар» шиори остида 22 декабрь куни ўтадиган сайловлар мамлакатимиз сиёсий ҳаётидаги муҳим воқеадир. Нега «Янги Ўзбекистон» деймиз? Нега «Янги сайловлар» деймиз? Бу, энг аввало, Ўзбекистонимиз ўз тараққиётининг янги, демокра-



Эътироф

ХОРИЖЛИК ЭКСПЕРТЛАР САЙЛОВГА ТАЙЁРГАРЛИКНИ ЮҚОРИ БАҲОЛАМОҚДА

Эртага Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга бўлиб ўтадиган сайловлар жараёнини кузатиш учун хорижликларнинг келиши давом этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясида Туркий тили давлатлар Парламент Ассамблеяси бош котиби Алтинбек Мамаюсов ҳамда Сайлов тизимлари халқаро эксперт маркази президенти, МДХ ва Шарқий Европа институти директори Александр Цинкер билан учрашувлар ўтказилди.

Уларда меҳмонларга сайловларга тайёргарлик кўриш бўйича МСК ва қўйи сайлов комиссиялари томонидан амалга оширилаётган тадбирлар, янгиланган сайлов қонунчилиги, татбиқ этилаётган замонвий ахборот коммуникациялари, овоз бериш жараёни ва сиёсий партиялар билан боғлиқ янги тартиб ва ўзгаришлар, шунингдек, сиёсий партиялар ва депутатликка номзодлар учун оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда кенг ва тенг имкониятлар яратилгани ҳақида батафсил маълумотлар берилди.



ЯНГИЛАНАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ САЙЛОВЛАРИ



Одамларимиз илгари шивирлаб айтишга ҳам жуърати етмаган жамият ҳаётига оид дардлару муаммоларни, камчилигу тақлифларни бугун ҳокимлар, вази́рлар, депутатлар олдида дадил қўймоқда. Йиллар мобайнида йиғилиб қолган масалаларни ҳал этиш борасида аниқ жавоблар талаб қилмоқда ва жавобларни олмақда. Бундай очкилик-ошқораликни, эркинликни давлатимиз раҳбарининг ўзи ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб турибди.

“Бугун жамоатчилигимиз том маънода уйғонди, — деб таъкидлади Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида. — энди турли лавозимдаги шахсларнинг хатти-ҳаракатларига одамларимиз бевосита баҳо бериб, ўз фикрини эркин ифода этишга ўрганимоқда”.

Ўрганиш — бу, аввало, юртимизда барча соҳа ривожига очкилик, ошқоралик ҳамда демократия тамойилларига алоҳида эътибор қаратилаётгани, фуқаролар сиёсий-ҳуқуқий онги ва маданияти юксалиб бораётгани билан бевосита боғлиқ улкан имкониятдир.

Айни пайтда халқимиз парламентарийлар, вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари саҳида юксак салоҳиятли, мамлакатимиз, халқимиз манфаатларини ўз манфаатларидан устун қўйишга қодир мутахассислари кўришни истади.

Кеча ва бугун

— **Кўпчилик журналистлар бу галги сайлов ҳақида сўз юртдагана, “биринчи марта” деган иборани бот-бот қўламоқдалар. Бунинг боиси нимада, деб ўйлайсиз?**

— Бу сайловнинг янгича ўтишига ёрқин ишорадир. Чунки сайлов биринчи марта Сайлов кодекси асосида ўтказилмоқда. Ташвиқот майдонида биринчи марта бешта сиёсий партия турли даражадаги депутатлик мандатлари учун рақобатга киришди. Бир неча марта овоз беришнинг олдини олишга қаратилган Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати татибқ этилиши, Қонунчилик палатасида Экологик ҳаракат депутатлик ўринлари учун квота бекор қилиниши халқаро сайлов стандартларига мос сайлов қонунчилигига оид янгиликлар сифатида юксак баҳоланмоқда.

Сайлов кўни мамлакатимиз тарихида биринчи марта таъриба йўсинида йўлга қўйилган яна бир янгиликни алоҳида қайд этишимиз зарур. Юртимизнинг турли ҳудудларидаги 60 та сайлов участкасига таъриба-синов сифатида ўрнатилган 120 видеокамера сайловчиларнинг овоз бериш жараёнини Марказий сайлов комиссиясининг Халқаро матбуот марказига ва интернет орқали онлайн режимида бутун дунёга намойиш қилиб туради. Айни чоғда таъриба-синов тариқасида 20 та сайлов участкасига овоз бериш пайтида фуқароларнинг шахсини аниқлаш учун биометрик ҳужжатларни “ўқийдиган” 60 та қурилма ўрнатилди.

Сайловчиларга биттадан ортиқ сиёсий партиянинг сайловда қатнашишини қўллаб-қувватлаш учун имзо қўйиш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловларни кузатиш ҳуқуқининг берилиши илк бор амалиётга киритилди. Ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар содир этганлиги учун суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланган шахслар ҳам мамлакатимиз тарихида биринчи марта сайловларда иштирок этади. Озодликдан маҳрум этилган 1 минг 905 нафар ана шундай шахс сайловларда илк бор овоз беради.

Хорижда истиқомат қилаётган барча ватандошларимиз учун овоз бериш имконияти яратилгани ҳам миллий сайлов тизимидаги муҳим янгиликдир. Эътибор беринг: авваллари ушбу сиёсий тадбирда фақат консуллик ваколатхоналаридан

расман рўйхатдан ўтган ўзбекистонликлар ўз конституциявий ҳуқуқларидан фойдаланган. Энди эса чет элда вақтинча ёки доимий яшашган Ўзбекистоннинг барча фуқаролари қирққа яқин мамлакатларда ташкил этилган 55 та сайлов участкасидан бирида овоз беришлари мумкин.

Буларнинг барчаси, пировардида “Бир сайловчи — бир овоз” халқаро сайлов тамойилини таъминлаш имкониятини янада кенгайтириш ҳамда юрдошларимиз конституциявий ҳуқуқларини тўлиқ амалга оширишлари учун кенг шароит яратишга хизмат қилади.

Ташаббус ва тақомил

— **Сайловларни халқаро андозаларга биноан ўтказишда мамлакатимиздаги мавжуд шароитнинг ўрни ва аҳамияти қандай?**

— Аввало, мамлакатимиз парламенти ва жойлардаги давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайловлар сифат жиҳатидан бутунлай янги ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий шароитда, аҳоли сиёсий-ҳуқуқий фаоллиги ошиб бораётган даврда ўтаётганлигини алоҳида таъкидлаш зарур. Халқимиз ҳаётини улкан юксалишлар сари бунди юборган дастурий ҳужжат — Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2017 — 2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган уларов муваффақиятлардан келиб чиқиб, шунингдек, сайловларни ўтказишнинг миллий амалиётини ҳисобга олган ҳолда, мамлакатимиз сайлов қонунчилигига сайлов жараёнини янада демократлаштириш ва либераллаштиришга қаратилган қўллаб-қувватлаш киритилгани халқаро ташкилотлар томонидан ҳам кенг эътироф этиляпти.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан сайловга оид бешта қонун ва йиғирмадан ортиқ қонуноти ҳужжатлари тизимлаштирилиб, жорий йилнинг 25 июнь кўни Ўзбекистон тарихида илк бор ягона Сайлов кодекси қабул қилинди. Бу миллий қонунчилигимизни мустаҳкамлаш, демократик сайловларни ўтказишни янада тақомиллаштириш йўлидаги муҳим қадам бўлди.

Энг муҳими, янгиланган сайлов қонунчилигимиз фуқароларга жинси, irqи ва миллий мансублиги, тили, динга мўнасабати, ижтимоий келиб чиқиши, этники, шахсий ва ижтимоий мавқеи, маълумоти, машғулотиининг тури ва ҳуқуқий ҳолати қатъи назар, тенг сайлов ҳуқуқини таъминлаш ва ўз хоҳиш-иродасини эркин амалга ошириш имконини беради.

Марказий сайлов комиссияси томонидан 2019 йилда Олий Мажлис ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловларига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш бўйича тадбирлар дастури тасдиқланди.

Бу эса сайловга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказишни юксак демократик тамойиллар даражасида ташкил этиш, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини тўлиқ амалга ошириш, давлат ҳокимияти органларини шакллантиришда сиёсий партияларнинг фаол иштирокчини таъминлаш учун кенг шароит яратиш имконини берди.

Умуммиллий қўлам касб этди

— **Халқаро кузатувчилар ҳамда экспертлар Марказий сайлов комиссияси томонидан сайлов қонунчилигидаги янгиликларни аҳолига етказиш, комиссиялар аъзоларини ўқитиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилганини таъкидлашмоқда. Бундай юксак эътирофнинг омиллари нимада, деб ўйлайсиз?**

— Амалга оширилган ишларнинг самаралари, аввало, барча даражадаги сайлов комиссиялари аъзоларининг сайлов

қонунчилигидаги янгиликларга оид билим ва кўникмаларини оширишга ҳар қачонгидан эрта — 3 августдан киришилди, 8 босқичли семинар-тренинглр ўтказилгани ва уларда илгор педагогик технологиялар ва замонавий АҚТдан унумли фойдаланилгани билан боғлиқ.

Маълумки, илгари бундай тадбирлар сайлов кампанияси эълон қилинганидан сўнг — кеч кузда бошланарди. Интерфал усуллар устуворлик касб этган бу галги замонавий ўқитишлар жараёнида мамлакатимиз бўйича 170 мингдан ортиқ сайлов комиссияси аъзолари малака оширди. Марказий сайлов комиссияси қарорига биноан, 20 октябрдан 20 ноябргача ўтказилган Сайлов қонунчилиги тарғиботи ойлиги тадбирлари, кузатувчилар эътироф этишганидек, умуммиллий қўлам касб этиб, миллионлаб сайловчиларни қамраб олди.

Бундай кенг қўламли ўқитиш ва тарғибот ишлари юртимиз тарихида биринчи марта ташкил қилинди. Унинг самараси сайловчиларнинг фаоллиги ошганида яққол сезилди. Жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази ноябрдан сентябрь ойида ўтказилган сўровларда 82 фоиз аҳоли сайловларда иштирок этиш истагини билдирган бўлса, ноябрь ойида ушбу кўрсаткич қарийб ўн фоиз ошди.

Катта умид ва ишонч уйғонди

— **Бу йилги сайловларда биринчи марта бешта сиёсий партия иштирок этмоқда. Улар томонидан ўтказилган сайловолди ташвиқоти ва дебатлар, умуман, партиялараро рақобат ҳақида нималар дея оласиз?**

— Марказий сайлов комиссияси томонидан сайловолди ташвиқоти, шу жумладан, дебатлар диққат билан кузатиб борилади. Сайлов кодекси талабларидан чиқиб ҳоллари кузатилаганида, тезкорлик билан муносабат билдирган пайтларимиз ҳам бўлди. Партиялар вакиллари ва депутатлик номзодлар дебатларда, асосан, сайловчиларга ўз сайловолди дастурларида назарда тутилган мақсадлардан келиб чиқиб гапирдилар. Баҳс-мунозара юритилди. Узим ҳам партияларнинг сайловолди ташвиқотини қизиқиб билан кузатиб бордим ва қўллаб-қувватлаш фикрлар олдим.

Таъкидлаш жоизки, барча сиёсий партияларга сайловолди ташвиқотини олиб боришда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда ҳаммага қўра бир хил феър вақтини ва нашр майдонини бепул бериш йўли билан тенг шароит таъминланди.

Сиёсий партиялар ўртасида барча даражадаги депутатлик ўринлари учун кураш кутилганидан ҳам қизиқарли бўлди. Бунга ҳар қадамда — сайловчилар билан учрашувларда, теледебатларда, оммавий ахборот воситаларидаги чиқишларда, ижтимоий тармоқлар, сиёсий партиялар веб-сайтларида, шунингдек, интернет-нашрларда, илгари миллий сайловларига амалиётда кузатилмаган митинглар ва марфонларда қўриш мумкин эди. Бундай тадбирларда ўн минглаб сайловчилар иштирок этди.

Одамлардаги бу қизиқшнинг, фаоллигини боиси, аввало, юртимизда амалга оширилаётган демократик ўзгаришлар ҳамда муқаррарлик касб этиб бораётган очкилик ва ошқораликда. Халқимизда ислохотлар самараларига, Ватанимизнинг келажагига катта умид ва ишонч уйғонганида.

Ижтимоий тармоқларнинг биридаги қизик шарҳга қўзим тушди. Сурхондарёлик бир муаллимнинг ёзишича, сўнгги пайтда аҳоли ўртасида сериаллар қилиб, теледебатлар томошаси “авжига чиққан”. Одамлар оиласи билан дебатларни томоша қилиб, сўнг партиялар ғоялари ва платформалари, депутатларнинг дастурлари ҳақида ўзаро баҳшлашадиган бўлиб қолган.

Бу ҳам сайловларнинг кўппартиявийлик ва муқобиллик, ошқоралик ва транспарентлик тамойиллари асосида, умумэтироф этилган демократик стандартларга мос ўтаётганига яққол мисолдир.

Муддатидан олдин овоз бериш кўтаринки руҳда ўтди

— **Муддатидан олдин овоз бериш жараёнлари қандай ўтди?**

— Миллий қонунчилигимизда сайлов кўни ўз янаш жойида бўлиш имконига эга бўлмаган сайловчиларга муддатидан олдин овоз бериш ҳуқуқи берилган. Бу йил юртимизнинг чет давлатлардаги консуллик муассасалари хузурида очилган участка сайлов комиссиялари томонидан сайловчилар зич яшайдиган, ишлайдиган ёки ўқийдиган жойларда ҳам кўнча сайлов қўтиларида сайёр тартибда муддатидан олдин овоз бериш ташкил қилинди. Муддатидан олдин овоз бериш жорий йилнинг 12 декабрида бошланди, 18 декабрда тугатилди. Ўзбекистон ҳудудидаги сайлов участкаларида 59226 нафар шахс муддатидан олдин овоз берган бўлса, бундай имкониятдан хорижда истиқомат қилаётган 89807 нафар фуқаро фойдаланди. Муддатидан олдин овоз берган жами сайловчилар 149033 нафарни ташкил этди. Мўқосса қиладиган бўлсак, 2014 йилдаги парламент сайловларида жами 8311 нафар сайловчи муддатидан олдин овоз берган эди.

Рекорд даража — бу муболага эмас, ҳақиқат

— **Эртага сайлов участкаларида мамлакатимиз тарихида биринчи марта рекорд даражадаги кўп сонли кузатувчилар ҳозир бўлади. Бу овоз бериш жараёнига халақит қилмайми?**

— “Рекорд даражада” деганингизда ҳеч бир муболага йўқ. Бу йилги сайловлардаги энг муҳим жиҳатлардан бири ҳам шунда. Алоҳида таъкидлаб айтмакчи, юртимизда сайловлар халқаро стандартлар талабларига ва умумжаҳол қилган нормаларга тўла мос ҳолда ўтказилади. Биринчидан, мамлакатимиз парламенти ва маҳаллий Кенгашларга сайловларда овоз бериш жараёнини юртимизда фаолият юритаётган сиёсий партияларнинг, депутатлик номзодларнинг, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг, шунингдек, хорижий давлатлар, Европа Кенгаши, ЕХТнинг Парламент Ассамблеяси, ЕХТ, ЕХТнинг Демократик институтлари ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, Бутунжаҳон сайлов органлари ассоциацияси, ШХТ, МДХ, Туркий тили давлатлар ҳамкорлиги Кенгаши каби қўллаб-қувватлаш ташкилотларининг вакиллари ҳамда маҳаллий ва хорижлик журналистлар бевосита кузатиб боради.

Марказий сайлов комиссияси томонидан халқаро кузатувчи мандати берилган хорижликлар — 825 нафар. Айни пайтда сайлов жараёнларини ёритиш учун мамлакатимиз ва чет эл оммавий ахборот воситаларининг 1155 вакили аккредитациядан ўтган. Буюк Британиянинг “BBC”, Россиянинг “Вести”, “Россия сегодня”, “ТАСС”, АҚШнинг “Bloomberg”, Япониянинг “Nikkei Japan”, Франциянинг “Radio France International”, «L’Opinion», Германиянинг “Neue Zeiten” каби оммавий ахборот воситалари шулар жумласидандир.

МДХ ва ЕХТ Демократик институтлари ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси миссияларининг оралик ҳисоботларида сайлов кампанияси даврида миллий сайлов қонунчилигининг бузилиш ҳолатлари

кузатилмагани алоҳида таъкидланган. Халқаро кузатувчиларнинг фикрича, сайлов жараёнлари осойишта ва миллий қонунчилик талабларига биноан ўтмоқда.

Шу ўринда айрим рақамларга эътиборингизни қаратмоқчиман. Жорий йилги сайлов кампанияси даврида оммавий ахборот воситалари, шунингдек, ижтимоий тармоқлар ҳамда телеграм каналларида турли тилларда сайловларга бағишланган жами 32 мингдан зиёд, жумладан, 2,5 мингга яқин танқидий руҳдаги материаллар эълон қилинди. Бу мамлакатимизда мустаҳкам қарор топиб бораётган сўз ва матбуот эркинлигининг амалий ифодасидир.

Фақат овоз беришгина яширин бўлади

— **Овоз бериш натижаларини сохталаштиришнинг иложи йўқ. Тўғрими?**

— Ҳа. Мен мамлакатимиз миллий сайлов тизимида шаклланган бир янгиликни фаҳр билан айтгим келаверади. Жорий сайловларда фақат овоз бериш яширин кечади. Қолган барча ишларда очкилик ва ошқоралик тўла таъминланмоқда ва таъминланади.

Қайд этганимиздек, сайловларда битта депутатлик мандати учун бешта сиёсий партия номзодлари баҳсга киришган. Энди ҳар бир сиёсий партия ҳар бир сайлов участкасига сайлов кўни бир нафардан ўз кузатувчисини қўйса, бунинг устига, у ерда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларидан, хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлардан кузатувчилар, номзодлар ишончли вакиллари, хорижлик ва маҳаллий журналистлару блогерлар ҳам ҳозир бўлса, уларнинг барчаси (қамида олти-етти киши) овоз бериш жараёнини бошдан-охиригача синчковлик билан кузатиб борса, фото ва видеога олиш техникасидан фойдаланса, сайловлар натижаларини сохталаштиришнинг имкони қоладими? Йўқ, қолмайди! Бу — сайлов участкалари ўз фаолиятини мустақил ва холис олиб беришининг, давлат органлари уларнинг ишига аралаша олмаслигининг муҳим кафолатидир.

Участка сайлов комиссияларини овоз беришга тайёрлаш жараёнида кузатувчилар ва журналистлар учун махсус жой ажратилишига алоҳида эътибор қаратилди. Улар бемалол ишлаши, суратга ва тасвирга олиши учун шароит яратилган.

Аёллар доимий эътиборда

— **Сайловларга тайёргарлик қўриш жараёнида аёлларнинг сайлов ҳуқуқларини эркаклар билан амалда тенг таъминлаш масаласига қандай эътибор қаратилди?**

— Хотин-қизларнинг давлат ва жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётига оид қарорлар қабул қилишдаги иштирокини, сайлов ҳуқуқлари ва имкониятларини кенгайтириш Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидандир.

Давлатимиз хотин-қизларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда, сайлов жараёнида эркаклар билан тенг иштирок этишини, шунингдек, давлат ва жамият ҳаётининг бошқа соҳаларида тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларини таъминлашни кафолатлайди.

Халқаро ҳамжамиятда кенг истифода этиладиган “гендер тенглик” тушунчаси — эркаклар ҳамда аёллар давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаси, жумладан, бошқарув, қарорлар қабул қилиш ва хавфсизлик каби соҳаларда ҳам тенглик асосида иштирок эта олишини назарда тутди.

Юртимизда аёлларнинг сайлов ҳуқуқини таъминлашга ҳамisha алоҳида эътибор қаратилади. Зеро, мамлакатимизда хотин-қиз сайловчилар салмоғи 10,3 миллиондан ошди. Бу жуда муҳим ва катта кўрсаткичдир.

Жорий йилда Марказий сайлов комиссияси билан Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ўртасида сайловларга тайёргарлик қўриш ва уларни ўтказиш жараёнида ўзаро ҳамкорлик тўғрисида келишув имзоланди. Ҳужжатда аёллар ҳуқуқий маданиятини ошириш, сайловларда фаол иштирок этишини, овоз беришини таъминлашга доир аниқ тадбирлар белгиланган.

Сайлов кодексининг 70 ва 91-моддаларига эътибор берсангиз, аёллар салмоғи сиёсий партиядан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлигига номзодлар умумий сонининг камида 30 фоизини ташкил этиши кераклиги белгиланганига амин бўласиз.

Айни пайтда жорий йилда округ ва участка сайлов комиссиялари аъзолари номзодларни тасвир этиш жараёнида ижтимоий фаол хотин-қизларга катта эътибор қаратилди. Бошқача айтганда, бу гал округ ва участка сайлов комиссиялари раҳбарлари ва аъзолари сафида аёлларимиз ҳар қачонгидан кўп.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига сиёсий партиялардан кўрсатилган номзодларнинг 310 нафарини ёки 41,3 фоизи хотин-қизлар. Бу 2014 йилда ўтган парламент сайловларидагидан қарийб 10 фоиз кўп, деганидир.

Ҳар ким учун улкан имконият

— **Мирзо-Улугбек Элчиёвич, эртага сайлов. Марказий сайлов комиссияси Раиса, дунё кўрган ҳуқуқшунос олим сифатида сайловчиларга қандай маслаҳат берасиз?**

— Сайлов — мамлакатнинг, миллатнинг кўзгуси, обрўси. Ҳар бир фуқаронинг бугуни ва келажагига бевосита таъсирини ўтказадиган сиёсий воқеадир. Бугун дунё аҳли Ўзбекистонда амалга оширилган улкан ўзгаришларни катта умид ва ишонч, ҳавас ва хайрихолик билан кузатиб турибди.

Биз, ҳаммамиз эркин ва фаровон жамиятда, мамлакатда яшашни орзу қиламиз. Лекин фақат орзу, талаб ёки кутиб яшаш билан иш битмаслигини, мурод ҳосил бўлмаслигини яши биламиз. Сайлов ўзининг эртасини ўйлаган миллат, халқ, Ватанини севган ҳар бир фуқаро учун улкан имкониятдир.

Ҳар бир сайловчи ўзининг фуқаролик бурчини овоз этиб, ўзи ёқлаган номзодга овоз берса, депутатликка билимли, фидойи, оқ-қоранга таниган фуқаролар сайланса, халқимиз ва Ватанимиз манфаатларига хизмат қиладиган адолатли қонунлар ва қарорлар қабул қилинади. Давлатни бошқариш органларига янги кучлар, таъбир жоиз бўлса, янги “қон” келиб қўшилади. Улар мамлакатимизни дунёнинг энг илгор давлатлари сафига олиб чиқишга ўз ҳиссасини қўшади. Турмуши янада фаровон, юртимиз янада обод, мамлакатимизнинг нуфузи, халқимизнинг жаҳондаги обрў-эътибори янада баланд бўлади.

Президентимиз таъкидлаганидек, “сайлов жараёнларида барчамизнинг, аввало, дунёқарашимиз, сиёсий ва ҳуқуқий маданиятимиз, граждандлик позицияси яна бир бор намоён бўлади”.

Мен барча юрдошларимизни эртага Ватанимиз ва ҳар биримизнинг келажагимизни белгиллаб берадиган сайловларда фаол қатнашишга даъват этаман!

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ
(«Халқ сўзи») суҳбатлашди.

ХОРИЖЛИК ЭКСПЕРТЛАР САЙЛОВГА ТАЙЁРГАРЛИКНИ ЮҚОРИ БАҲОЛАМОҚДА



Алтинбек МАМАЮСУПОВ, Туркий тили давлатлар Парламент Ассамблеяси бош қотиби:

— Сайловлар юртингизда жамиятни демократлаштириш жараёнлари тобора кенгайиб бораётган бир шароитда ўтказилмоқда. Сайлов қонунчилиги тубдан янгилангани, қолаверса, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги юксалиб бораётганини кўриш мумкин. Буларнинг барчаси сайловларни халқаро стандартларга мос ҳолда ўтказиш ҳамда сайловчиларга яратиб берилаётган қўлайликлар билан бевосита боғлиқдир. Ишонаманки, ушбу муҳим жараён очик-ошқора, шаффоф ўтади.

Кенгаш экспертлари парламент сайловларига тайёргарлик қўриш ҳамда уларни ўтказиш жараёни бўйича кузатушни амалга оширади. Шунингдек, миссия сайлов жараёнининг бориши ҳақидаги материалларни тўплаш ва уларни таҳлил қилиш, сайлов

қонунчилигини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш ва телевизион дастурлар ҳамда босма ОАВда сайловга оид эълон қилинаётган материалларни мониторинг қилиш билан шуғулланади.

Александр ЦИНКЕР, Сайлов тизимлари халқаро эксперт маркази президенти, МДХ ва Шарқий Европа институти директори:

— Бундан 12 йил аввал Ўзбекистонда бўлиб ўтган сайловларда иштирок этганман. Уша даврдаги сайловларга тарадуд ишлари билан бугунгисини таққослаб шуни айтишим мумкинки, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан сайловларни халқаро стандартлар асосида ўтказишга пухта тайёргарлик қўрилган.

Сайлов жараёнида илгари “оилавий овоз бериш”, яъни бир киши оиладаги барча овоз овоз бериш ҳолатлари учун овоз бериш мустас-

но бўлишига ишонаман. Чунки сайловда қатнашганларнинг тўлиқ рўйхати автоматик тарзда шакллантирилади. Бу бир шахснинг бир неча марта овоз бериши ёки бир кишининг бутун оила аъзолари учун овоз беришининг олдини олади.

Сайлов жараёнларини кузатиш мақсадида ташриф буюраётган халқаро ташкилотлар делегациялари ташрифи ҳақида гап кетганда, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси директори Ингибьёрг Сольвун Гисладогторини алоҳида тилга олиш ўринли.

Чунки бу хоним биринчи марта овоз бериш учун кузатишга келди. У Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларни ҳамда сайловга пухта тайёргарлик қўрилганини юқори баҳолаб, мамлакатда демократик ўзгаришларни амалга оширишга ҳисса қўишига тайёрглигини билдирди.

Таъкидлаш жоизки, сўнгги уч

йилда Ўзбекистон ҳамда ЕХТ ДИИХБ ўртасидаги ҳамкорлик сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди. Хусусан, бюро билан самарали алоқалар Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодекси қабул қилинганида яна бир бор намоён бўлди. Зеро, ушбу ҳужжат лойиҳаси ЕХТ ДИИХБ тасвияларига мувофиқ кўриб чиқилиб, тақомиллаштирилган.

Шу билан бирга, 25 ноябрдан 10 декабргача бўлган даврни қамраб олган ЕХТ ДИИХБ миссиясининг дастлабки оралик ҳисоботида жорий йилги парламент ва маҳаллий Кенгашлар сайловлари мутлақо янги сиёсий ҳамда ҳуқуқий шароитларда, сезиларли даражада янгиланган қонунчилик доирасида бўлиб ўтиши эътироф қилинган.

МСК маълумотиغا қўра, 23 декабрь ЕХТ ДИИХБ миссияси иштирокида матбуот

«БИЗ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ УЧУН КЕЛДИК»

Бўлажак муҳим сиёсий тadbир хусусида сўз борар экан, томонлар сайловларга ҳар жиҳатдан пухта тайёргарлик кўрилганини эътироф қилди. Янги Сайлов кодекси соҳада аввал амал қилган бешта қонунни ўзида муҳасамалаштирган. Бунда халқро кузатувчиларнинг сайлов жараёнини такомиллаштириш бўйича тавсиялари ҳам инobatта олинган.

Георгий Церетели таъкидлаганидек, сайловлар Ўзбекистоннинг сиёсий ҳаётидаги муҳим воқеа ҳисобланади, ЕХХТ томонидан бунга катта қизиқиш билдирилмоқда. "Бу борада ЕХХТнинг тавсиялари ҳисобга олингани ва қонунчиликда ўз аксини топгани бизни қувонтиради", — деди Г. Церетели.

Маълумот учун: ЕХХТ Парламент Ассамблеяси 1993 йилдан бери сайловларни кузатиб боради.

Бугунги кунга қадар у қарийб 30 та аъзо давлат, жумладан, Буюк Британия, АҚШ, Германия ва Франциядаги сайловларни кузатган.

Ўзбекистонда бу гаги парламент, маҳаллий Кенешлар сайловларини илк бор ЕХХТ ДИИХБнинг тўлақонли миссияси кузатмоқда, у ўз ишини жорий йилнинг 25 ноябрдан бошлаган.

Шу кун Олий Мажлис Сенати Раисининг биринчи ўринбосари Содик Сафоев Россия Федерацияси Федерал Кенгаши Раисининг ўринбосари, МДХ Парламентларо Ассамблеяси (ПА)нинг Кузатувчилари миссияси раҳбари Ильяс Умаханов билан учрашди.

Сўнги йилларда Ўзбекистоннинг Россия ҳамда бошқа МДХ давлатлари билан ўзаро ҳамкорлиги сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди. Ўзбекистон МДХ Парламентларо Ассамблеяси доирасидаги ҳамкорлигини тиклади. Бу эса кўп қиррали муносабатларни янада ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Ильяс Умаханов ўз сўзида бу гаги сайлов Ўзбекистоннинг демократик ривожланиш йўлида янги босқичга айланишини айтиб, жумладан, шундай деди: "Бу шундай унутилмас, парламентнинг янги таркибини сайлайдиган халқ учун юксак сиёсий аҳамиятга эга қунлардир. Биз эса Ўзбекистон халқини қўллаб-қувватлаш учун келдик".

Мунисхон КАРИМОВА («Халқ сўзи»)

БМТ Бош Ассамблеяси Ўзбекистон томонидан тайёрланган «Марказий Осиёда барқарор туризм ва барқарор ривожланиш» резолюциясини қабул қилди

Маълумки, БМТ Бош Ассамблеясининг «Марказий Осиёда барқарор туризм ва барқарор ривожланиш» номли резолюциясини қабул қилиш ташаббуси илк бор Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан жорий йил апрель ойида Пекинда БМТ Бош Котиби Антониу Гутерриш билан «Бир макон, бир йул» халқаро форумида иштирок этиш доирасида ўтказилган учрашувда илгари сурилган эди.

Ушбу ташаббусни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ташқи Ишлар вазирлиги ва Ўзбекистон Республикасининг БМТдаги доимий ваколатхонаси БМТ Котибияти ва ЖСТ билан ҳамкорликда ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш ва унинг БМТга аъзо давлатлар томонидан тасдиқланиши йўлида изчил ишлар бажарди.

Шуни таъкидлаш жоизки, ҳужжат лойиҳаси барча зарурий тасдиқлаш тартибларидан ўтди. Жумладан, Ўзбекистон жорий йил сентябрь ойида резолюция лойиҳасини БМТ Бош Ассамблеяси 74-сессияси Иккинчи қўмитаси кун тартибига киритди. Мазкур қўмита иқтисодий ўсиш ва барқарор ривожланиш масалаларини кўриб чиқишга ихтисослашган. Бундан ташқари, Ўзбекистоннинг БМТдаги доимий ваколатхонаси ҳужжат мазмунини маромга етказиш ва такомиллаштириш мақсадида октябрь ва ноябрь ойлари мазкур нуфузли халқаро ташкилотга аъзо давлатлар билан қатор маслаҳатлашувлар ўтказди. Жорий йил 14 ноябрь кун Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Иккинчи қўмитаси ўз мажлисида консенсус асосида резолюция лойиҳасини қабул қилди ва уни БМТ Бош Ассамблеясига кўриб чиқиш учун тавсия этди.

Нихоят, 19 декабрь кунини Ўзбекистон раҳбарининг ташаббуси амалга ошди. БМТ Бош Ассамблеясининг янги мажлиси чоғида БМТга аъзо давлатлар умумий консенсус асосида «Марказий Осиёда барқарор туризм ва жадал ривожланиш» резолюциясини бир овоздан қабул қилди.

Шунисик диктакта сазоворки, Ўзбекистон ташаббуси билан қабул қилинган мазкур ҳужжатга Шимолӣ ва Латин Америкаси, Осиё, Африка ва бошқа қитъаларнинг 50 дан ортқ мамлакатлари ҳаммуаллифлик қилди. Бу эса халқро ҳамжамият томонидан Ўзбекистон раҳбари ташаббуси ўта долзарб масала сифатида юксак эътироф этилганини намoён қилди. Ҳаммуаллифлар орасида Бразилия, Вьетнам, Индонезия, Ҳиндистон, Ирландия,

«Дунё» АА. Нью-Йорк

Россиялик экспертлар:

«МАРКАЗИЙ ОСИЁДА РЎЙ БЕРАЁТГАН БАРЧА ИЖОБИЙ ЎЗГАРИШЛАР — ЎЗБЕКИСТОН ЯНГИ СИЁСАТИНИНГ НАТИЖАСИ»

Ўзбекистон ташқи сиёсатидаги прагматик ислохотлар, хусусан, Марказий Осиё минтақасида ҳукм сураётган яхши қўшничилик муносабатлари ҳамда Тошкентда бўлиб ўтган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг иккинчи Маслаҳат учрашувини халқаро жамоатчилик алоҳида эътироф этмоқда. Чунинчи, Ўзбекистоннинг халқаро миқёсдаги ташаббусларини Россия эксперт-таҳлил доиралари ҳам илиқ кутиб олди.

Эътироф

Россия Фанлар академияси Шарқшунослик институти хузуридаги Марказий Осиё, Кавказ ва Урал-Волга ўлкасини ўрганиш маркази илмий ходими Станислав ПРИТЧИННИНГ фикрича, Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ташкил этилган саммит минтақда тўлақонли мулоқот платформаси шаклланиб бoшлаганини кўрсатадики, у Марказий Осиё давлатларига ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш



риш ва умумминтақавий муаммоларни ҳал қилиш бўйича қўшма ҳаракатларни ишлаб чиқиш ҳамда ҳаётга татбиқ этиш имконини беради.

Тошкент учрашуви якуний баёнотининг айрим жиҳатлари алоҳида эътиборни тортади, — дейди С. Притчин. — Аввало, учрашувлар формати давом эттирилади ва навбатдаги учинчи мулоқот Қирғизистонда ўтказилиши маълум бўлди. Бу, ўз навбатида, барча томонлар давлатларо ҳамкорликнинг зарурилиги ҳамда самардорлигини аниқлаган ҳолда, кун тартибидоги масалалар бўйича ўзаро мулоқотни давом эттиришга тайёрлигини билдиради. Якуний баёнотга киритилган бандлар минтақа ҳаётининг барча жиҳатини қамраб олган бўлиб, улар орасида экологик масалалар, Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш ва бу борада қўшни давлатларнинг сай-ҳаракатларини мувофиқлаштириш ҳам ақ этган. Хавфсизлик масалалари алоҳида қайд этилиб, демаркация ва делимитация жараёнларини давом эттириш ва чегара масалаларини ҳал этиш зарурилиги таъкидланди.

Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Тошкентга келиши ушбу форматинг ҳаммага бирдай қизиқарли ва манфаатли эканини яна бир бор кўрсатди. Маслаҳат учрашувлари Марказий Осиёнинг жаҳон сиёсатининг тўлақонли субъекти сифатидаги мақоми мустақамланиши, минтақадаги бугунги вазият ва унинг келажиги учун ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади.

Умуман олганда, ўтган уч йил мобайнида Шавкат Мирзиёев томонидан Ўзбекистон ташқи сиёсати олдида қўйилган мақсадлар муваффақиятли тарзда амалга оширилди. Шавкат Мирзиёев давлат раҳбари сифатида сайланган дастлабки қунларда ноқ Марказий Осиёни ташқи сиёсатининг ус-

твор йўналиши деб эълон қилди ва бугун унинг ташаббуси реал лойиҳаларга айланганини кўрмоқдамиз. Содир бўлган ижобий жараёнлар расмий Тошкентнинг минтақавий ҳамкорликка ёндашувининг ўзгариши маҳсули бўлди. Хусусан, Қирғизистон билан чегарани демаркация қилиш бўйича музокараларнинг йўлга қўйилиши, Тожикистон билан ҳамкорликда катта олға силжиш рўй бериши муҳим ютуқлардан бўлди.

Ўзбекистон ўзининг жүрғофий жойлашуви, худуди ва аҳолиси сони жиҳатидан минтақавий муҳим давлати бўлиб, айнан у туфайли Марказий Осиёдаги давлатларо ҳамкорликда кескин бурилиш юз берди. Тошкент учрашувига тайёргарлик қўриш жараёни ва унинг ўтказилиши айнан Ўзбекистоннинг нақадар фаол ташаббускорлигини ҳамда минтақавий ҳамкорликни чуқурлаштириш госянини ҳар томонлама илгари сураётганини кўрсатди.

Ташқи муносабат ҳақида гапирганда, Марказий Осиёда ўзаро мулоқотнинг мустақамланишига бирон-бир салбий реакция кузатилмаётган. Шубҳа йўқки, минтақанинг барқарорлигидан манфаатдор бўлган барча давлатлар ушбу жараённи қўллаб-қувватлайди.

«Вектор» Стратегик тадқиқотлар институти директори Андрей ХРИЕНКО таъкидлаганидек, маслаҳатлашувлар формати минтақанинг барча давлатлари учун муҳим саналган долзарб масалаларни биргаликда ва мамлакат раҳбарлари даражасида ҳал қилиш учун имконият яратди. Туркменистон Президенти Гурбангули Берdimухамедовнинг Ўзбекистонга ташриф буюриши ва Маслаҳат учрашувидо иштирок этиши ушбу фикрни яна бир бор тасдиқлайди.

Саммит мобайнида унинг иштирокчилари кун тартибидоги кенг қўламли долзарб масалалар, жумладан, баҳсли ва мураккаб муаммолар юзасидан очик мулоқот ўтказиб, ўзаро манфаатли ечимларни излаётгани тахсинга сазовордир. Бугун минтақда хавфсизлик масалалари, чегаралар, сув ресурсларининг тақсимланиши, террорчилик таҳиди, наркотрафика қарши кураш муаммолари ва бошқа муаммоларни ҳал қилиш зарурилиги барчага аён. Айниқса, янги транспорт йўлакларини қуриш ва энергетика соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш, савдо-сотик ҳажмининг орттириш борасида эришилган келишувлар муҳим аҳамият касб этади. Маданий-гума-

нитар алоқаларни кенгайтириш бўйича келишувлар эса минтақдаги ўзаро англашув муҳитини яхшилашга хизмат қилади.

МДХ институтининг Марказий Осиё ва Қозоғистон бўлими раҳбари, Россия Фанлар академияси Шарқшунослик институти катта илмий ходими Андрей ГРОЗИН бугунги кунда Марказий Осиёда рўй бераётган барча ижобий ўзгаришлар Ўзбекистон янги раҳбарияти сиёсатининг натижаси эканини таъкидлайди.



жипслашувида эришилган барча муваффақиятлар ўзбек томонининг фаол сай-ҳаракатлари маҳсули бўлди. Маслаҳат учрашувлари форматининг пайдо бўлиши ҳам, унинг биринчи ва иккинчи тadbирлари ҳам, минтақадаги «детенте» (илиқлашув) жараёни ҳам ўзбек дипломатияси томонидан амалга оширилган чора-тadbирлар туфайли реал воқеаликка айланди.

Сир эмаски, бир неча йил аввал Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги муносабатлар мураккаб эди, — дея ўз фикрлари билан ўртоқлади таҳлилич. — Давлатларо муносабатларда кескинликлар, уларнинг бир-бирига турли дaвoлари минтақдаги вазиятнинг кескинлашуви сабаб бўлган эди. Бугунги кунга келиб, янги Ўзбекистоннинг янги сиёсати туфайли Марказий Осиёдаги муҳит ижобий томонга бурилди. Буни нафақат минтақа, балки бошқа хоржий давлатлар ҳам эътироф этмоқда. Ҳозирги вақтда кузатилаётган иқтисодиёт, хавфсизлик ва гуманитар соҳаларда ўзаро ҳамкорликнинг кенгайтириш расмий Тошкент бошлаган сиёсат натижасидир.

Андрей КАЗАНЦЕВ, Москва давлат халқаро муносабатлар институти илмий тадқиқотчиси, Марказий Осиё ва Афғонистон масалаларини тадқиқ қилиш маркази директори:

Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Ўзбекистон қисқа муддатда ички ва ташқи сиёсатда катта муваффақиятларга эришди. Айниқса, иқтисодиётни ислох қилишда жиддий ўзгаришлар рўй берди. Марказий Осиёда осойишталикни таъминлаш, қўшни мамлакатлар билан яхши муносабатларни йўлга қўйишда илдам қадамлар босиб ўтилди. Минтақа давлатлари билан мавжуд муаммоларни ҳал этиш, улар билан дўстона алоқаларни йўлга қўйишга эришилди.

Қайд этиш керакки, бўлиб ўтган саммит минтақанинг барча мамлакатлари учун муҳим саналган ҳамкорликни фаоллаштиришга хизмат қилади.

Никита МЕНДКОВИЧ, Евроосиё таҳлил гуруҳи раҳбари:

Сўнги уч йил ичида Ўзбекистоннинг фаол дипломатияси натижаси



ўлароқ, Марказий Осиёда мутлақо янги сиёсий муҳит юзага келиб, бу қўшни давлатлар билан ришталарни мустақамлаш, чегара муаммоларини ҳал қилиш, савдо-сотик муносабатларини йўлга қўйишга шароит яратди. Расмий Тошкент олиб бораётган янги сиёсий курс туфайли Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари маслаҳатлашувлари жараёни бошланди. Бунга Ўзбекистоннинг ташқи сиёсий алоқаларни диверсификация қилиш борасидаги интилишларининг муҳим бўғини сифатида қараш мумкин. Масалан, Тошкентда бўлиб ўтган учрашув чоғида Президент Шавкат Мирзиёевнинг бир қатор муҳим ташаббуслари янгради. Жумладан, маданий-гуманитар соҳаларда, айниқса, туризм йўналишида анжуман ва фестивалларни ўтказиш ташаббуси муҳим аҳамиятга эгадир. Қисқаси, қўшни мамлакатлар билан алоқаларнинг тубдан яхшиланиши, чегара ва бошқа муаммоларнинг ўз ечимини топиши Ўзбекистон раҳбарининг энг ёрқин ютуқларидан бўлди.

Александр ВОРОБЕВ, Россия Фанлар академияси илмий ходими:

Марказий Осиё давлатлари мавжуд муаммоларни биргаликда ҳал қилишга интилиши намoён этмоқда. Минтақа муҳитининг ўзгариши, давлатлар ташқи сиёсатининг очиклик ва ҳамкорлик томон бурилиши Ўзбекистоннинг муҳим ютуқларидан бири бўлди.

Виктория ПАНФИЛОВА, «Независимая газета» нашрининг сиёсий шарҳловчиси:

Бугун Марказий Осиёда шундай давр келдики, минтақа мамлакатлари ўзининг ички муаммоларини ҳал қилган ҳолда, ҳамкорликка интилоқда. Бу борада сифат жиҳатидан янги аҳамиятга эга бўлиб ўтди, жипслашув эса доимий мулоқотсиз амалга ошмайди.

Учрашув мезбони Президент Шавкат Мирзиёев қатор муҳим ташаббусларни илгари сурди. Хусусан, Тошкентда Марказий Осиё мамлакатлари инвестиция форумини ташкил этиш, Савдо-саноат палаталари раҳбарларининг ҳар йилги учрашувларини ўтказиш тақлифи билдирилди.

Анвар МИРЗАЕВ («Халқ сўзи») тайёрлади.

ТАДБИРКОР БОШ ВАЗИР ҚАБУЛХОНАСИГА МУРОЖААТ ҚИЛДИ ВА...

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тадбиркорлар муурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналари ташкил этилгани ишбилармонлар муаммоларини ҳал қилишда муҳим роль ўйнамоқда. Унинг Тошкент шаҳри ва туманларидаги бўғинлари фаолияти таҳлили бунинг тасдиғи бўла олади. Мазкур қабулхоналар жорий йилнинг июнь ва июль ойларида ташкил этилган бўлса, ўтган давр мобайнида тадбиркорларга ер майдонлари ва бўш турган бинолар ажратиш, тегишли рухсатнома, лицензиялар расмийлаштириш, турли йўналишларда кредит маблағлари олиш, банк хизматларидан фойдаланиш, коммуникация тармоқларига уланishi, солиқ ва боғжона масаласи билан боғлиқ 1276 масала кўриб чиқилди.

Долзарб мавзу

Шу билан бирга, сайёр қабуллар ташкил этиш аънава тусига кирди. Натижанда сайёр ёки шахсий қабулларда 827 та тадбиркорлик субъекти ҳамда оилавий бизнес вакиллари билан мулоқот қилиниб, кўп йиллардан бери уларни қийнаб келаятган муаммоларга ечим топилди. Шу аснода уларнинг аксарияти туман даражасида ҳал бўладиган масалалар экан. Бунга Бектемир туманида фаолият юритаётган МЧЖ шаклидаги «Family group» кўшма корхонасида юзага келган вазият мисол бўлади.

Гап шундаки, корхона суд қарорига мувофиқ, барча қарзни тўлаган бўлишига қарамастан, Мажбурий ижро бюросининг туман бўлими корхонанинг юк машиналарига қўйилган тақиқларни белгиланган тартибда ечмаганлиги натижасида махсулотларни савдо расталарига етказиб беришда ноқулайликлар вужудга келади. Корхона ҳуқуқшуноси муурожаати-

дан сўнг ушбу масала ўрганилиб, корхона автомашиналарига қўйилган тақиқлар МИБ томонидан белгиланган тартибда ечи берилди.

Ёш тадбиркорларимиздан бири «Yoshlar — kelajagimiz» Давлат дастури доирасида бизнес лойиҳасини амалга ошириш мақсадида ўз корхонасига хизмат кўрсатувчи тижорат банкига бир неча бор муурожаат қилгани, сўралган ҳужжатларни тақдим этса-да, «Агробанк» АТБ томонидан кредит маблағлари ажратилмади. Ҳафсаласи пир бўлган тадбиркор Бош вазир қабулхонасига муурожаат қилади. Қабулхона аралашуви билан 240 млн. сўмлик имтиёзли кредит ажратиб берилди. Натижанда жорий йилнинг октябрь ойида корхона ўз фаолиятини бошлаб, пойтахтимиз аҳолисига маийий хизмат кўрсатишни йўлга қўйди. Яна бир муҳим жиҳати, 25 та янги иш ўрни очилиб, унга иқтидорли ёшлар жалб этилди.

Шу ўринда яна бир жиҳатга эътибор қаратмоқчимиз, Чилонзор туманидаги Бош вазир қабулхонаси томонидан тадбиркорларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, кези келганда, қонуний манфаатларини химоя қилиш тизимининг яратилганлиги тадбиркорларга мадад бўлмоқда. Хусусан, тадбиркорларнинг талабига мувофиқ, қабулхона томонидан турли соҳаларнинг малакали мутахассислари иштирокида ҳар ҳафта ташкил этилаётган ўқув-семинарларида амалга оширилаётган ислохотлар, тадбиркорликка оид қонун ҳужжатларидаги ўзгаришлар ва имтиёзлар ҳақида тушунтиришлар берилмоқда. Бунинг

Хулоса қилиб айтганда, Тошкент шаҳри ва туманларидаги Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тадбиркорлар муурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналарининг фаолиятидан кўзланган асосий мақсад тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг эмин-эркин ишлашига шароит яратиб беришдан иборатдир.

хисобига ўнлаб тадбиркорларнинг солиқ тўловларини амалга ошириш, дебиторлик қарздорликларини ундришда вужудга келиши мумкин бўлган низоли ҳолатларнинг олдини олишга эришилди.

Юртимиз бугун улкан қурилишлар майдонини эс-латида. Бундай бунёдкорлик ишларини пойтахтимизнинг ҳар бири туманида кўриш мумкин. Тан олиш керакки, ушбу фаолият билан шуғулланувчи тадбиркорлар турли муаммоларга учраётганлиги ҳам бор гап. Масалан, чет эллик инвестор Саид Фаез Улхасан Тошкент шаҳрининг Яккасарой туманидаги тураржойни сотиб олиб, уни нотурага ўтказиш ва ушбу худудда замонавий меҳмонхона қуришдаги муаммолар бўйича муурожаат қилди. Қабулхона ёрдами билан инвесторнинг тураржойи зудлик билан нотуражойга ўтказилди ва меҳмонхона қуриш лойиҳаси ваколатли давлат идораларининг мутахассислари томонидан кўриб чиқилиб, меҳмонхона қуриш учун тегишли рухсатнома берилди.

Отабек ЯМИНОВ, Тошкент шаҳридаги Бош вазирининг Тадбиркорлар муурожаатларини кўриб чиқиш қабулхонаси мудири.

Анжуман

Бугун бунёдкорликка эътибор кучайиб, қурилиш сифати ҳам талаб тобора ортмоқда. Айниқса, уй-жойлар арзон ва энергия тежамкор бўлиши баробарида, уларни мустақам қилиб бунёд этиш зарурати кун тартибига чиқди. Шундай экан, бу борада амалиётга қандай янгиликлар жорий қилинмоқда?

40 ФОИЗГАЧА ЭНЕРГИЯ ТЕЖАМКОРЛИККА ЭРИШИШ МУМКИН

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги томонидан ташкил этилган тадбирда шу ҳақда сўз юритилди. Қурилиш вазирининг биринчи ўринбосари Шерзод Хидоятловнинг айтишича, маҳаллий хом ашё ва материаллар, хусусан, базальтдан турғи фойдаланиш орқали 40 фоизгача энергия тежамкорликка эришиш мумкин. Яна бир замонавий технология — туннель қопилли тизим қўлланилса, иморатлар тез ва ўта мустақам тикланади. Бу усул бичо ва иншоотларнинг бир қаватини атиги икки кун давомида битказиш имконини берав экан.

Мазкур технология асосида дунёнинг 45 давлатида 2 мигдан зиёд лойиҳаларни амалга оширган Туркиянинг «Mesa» компанияси юртимизнинг Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида ҳам ушбу усулда кўп қаватли уйлар қурмоқда. Компания вакили Гуркан Касаннинг фикрича, туннель қопилли тизим қўлланилса, бинолар ўта мустақам бўлади. Металл ва бетон асосли деворлар текис ва сифатли қўйилгани учун пардозлаш махсулотлари жуда кам сарфланади. Ташқи қисмига базальт қопланishi эвазига энергия тежалиб, иссиқ ва совуқни ўтказмайди.

Республикамизнинг барча худудидан келган пудрат ташкилотлари мутахассисларига янги технологиянинг шу қаби афзалликлари, қурилишда хавфсизлик қонидларига риоя қилиш, иморатларни зилзилабардош этиб қуриш бўйича атрафлича маълумот берилди. — Қурилишда энергия тежамкорлигига эътибор қаратилаётгани бежиз эмас, — дейди Ш. Хидоятлов. — Ҳозирги пайтда уй-жойлар баҳорис квадрат метридан келиб чиқиб белгиланса, эндиликда энергия тежамкорлиги бўйича нархланади. Энергия тежамкорлигининг ҳам ўз талаблари бўлиб, у бир неча тоифа бўйича ўрганилади. Бу борада стандартлар ишлаб чиқилмоқда. Унга қура, уй-жойлар турпта — А, В, С, D тоифа бўйича баҳоланади. Аудит хулосасига қура, иморатнинг қайси тоифага мансублиги бўйича сертификат берилди. Янги стандартлар 2020 йилнинг биринчи ярмидан амалиётга жорий қилиниши кутилмоқда. Тадбирда яна бир янгилик — 18 қаватгача бўлган уйларга табиий газ ўтказилишига рухсат берилгани айтилиб, бунда ёнғин хавфсизлиги, газ сизинининг олдини олиш учун қўлланилаётган замонавий технологиялар ҳақида қурувчиларнинг билим ва кўникмалари оширилди.

С. ИБОДУЛЛАЕВ.

ҚУЛАЙ ЎРИНДИҚЛАР, ЗАМОНАВИЙ КОНДИЦИОНЕРЛАР, ҚИЗИҚАРЛИ ДАСТУРЛАР

Молия муассасаларида

ШУНДАЙ ЖИХОЗЛАНГАН АВТОБУСЛАР ЙЎЛОВЧИЛАРНИ АСЛО ТОЛИҚТИРМАЙДИ.

Хозирги пайтда аҳолига кўрсатилаётган транспорт хизматлари сифатини яхшилаш, хорижга сафар чоғида хавфсизлигини таъминлаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бунда Президентнинг 2018 йил 5 мартдаги «Ўзбекистон Республикасини фуқароларнинг вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун республика ташқарисига транспортда чиқиш вақтида хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори муҳим омил бўлмоқда. Ушбу ҳужжатда белгилаб берилган вазифаларнинг изчил ижроси таъминланиб, жумладан, «Uzautotrans Service» МЧЖ ташкил қилингани диққатга сазовор.



Уни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида «Миллийбанк» АЖ томонидан Хитой давлат тараққиёт банкининг кредит линияси ҳисобидан 20 миллион АҚШ доллари миқдорига кредит ажратилди. Ушбу маблағга шаҳарлараро ва халқаро йўналишларда йўловчи ташишга мўлжалланган 168 та автобус харид қилинди. Ҳар бир автобус 51 нафар йўловчига мўлжалланган бўлиб, барча зарур шарт-шароитга эга. Қулай ўриндиқлар, кондиционерлар, қизиқарли дастурларни намойиш этувчи мониторлар йўловчиларни сафар давомида толиқтирмайди. Бугунги кунда 400 нафарга яқин кишилар ишлаётган «Uzautotrans Service» МЧЖда автобуслардан самарали фойдаланиш мақсадида ҳайдовчилар

ўртасида махсус танлов ўтказилди. Алоҳида ўқув дастури ёрдамида билим ва малакалари оширилди. Натижада ҳайдовчилар узоқ масофага сафар чоғида ёки бошқа давлат чегарасидан ўтишда амал қилиниши зарур бўладиган кўникмаларга эга бўлишди. Айтиш жоизки, транспорт воситалари бошқариш учун жуда қулай. Ҳайдовчилар вазнига қараб ўриндиқлар автоматик равишда бошқарилади, уч қарра мустаҳкамланган хавфсизлик камарларига эга. Зарурат туғилганда, ўриндиқнинг баландлигини ва қиялик бурчагини ўзгартириш мумкин. Дарвоқе, қатнов давомида ҳар бир автобусга икки нафардан ҳайдовчи бириктирилган бўлиб, бу узоқ йўл босганда, транспорт



воситасини навбати билан ҳайдаш имконини беради.

Бугунги кунда жамият томонидан 29 йўналиш бўйича қатновлар амалга оширилмоқда. Улардан 19 таси шаҳарлараро ва 10 таси халқаро йўналишни ташкил этади. Яқин орада Россиянинг бир неча шаҳарларига ҳам мунтазам қатновлар йўлга қўйилиши режалаштирилмоқда.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, 40 йил бурун барпо этилган Тошкент автовокзали тўлиқ модернизация қилинди. Бу ерда йўловчилар ва сайёҳлар учун қулай шароитлар яратилди. Натижада турли халқаро ва шаҳарлараро йўналишлар бўйлаб кўплаб автокатновлар амалга оширилмоқда. Автовокзал бир вақтнинг ўзига 2 200 нафар йўловчига хизмат кўрсатиш имкониятига эга. Сафарга отланганлар учун замонавий VIP-зал, она ва бола хонаси, тиббиёт

пункти, меҳмонхона ва ётоқхона ишлаб турибди. Бундан ташқари, автовокзалда имконияти чекланган фуқароларнинг хавфсиз ҳаракатланиши учун зарур шароитлар яратилган, жумладан, иккита лифт, шунча эскалатор ва махсус пандус-йўлакчалар мавжуд.

«Миллийбанк» АЖ молиялаштирилган бу каби лойиҳалар иқтисодиёт тармоқлари тараққиётига хизмат қилмоқда. Ўз навбатида, «Uzautotrans Service» МЧЖ самарали фаолияти билан Ўзбекистонда жамоат транспорти ривожини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишга муносиб ҳисса қўшаётди.

«Миллийбанк» АЖ матбуот хизмати.

Хизматлар лицензияланган.

«ТУРОНБАНК»НИНГ НАВБАТДАГИ ЗАМОНАВИЙ БАНК ХИЗМАТЛАРИ ОФИСИ БУХОРОДА ИШ БОШЛАДИ

Сифатли, тезкор ва замонавий банк хизматлари билан халқимиз ишончини қозониб улгурган «Туронбанк» АТБ шаҳарлар марказларидан тортиб, республикамизнинг олис қишлоқ ва овулларда ҳам юқори технологияларга асосланган банк-молия хизматларини тақдим этиб келмоқда.



Мазкур жараёнда мамлакатимизнинг барча ҳудудидида фаолият кўрсатаётган бир қатор банк бўлиналари ва янгидан ташкил этилаётган Банк хизматлари офисларининг муносиб ҳиссаси бор. Мана шундай замонавий ёндашувлар асосида барпо этилган таркибий тузилманинг навбатдагиси Бухоро вилоятининг Когон шаҳрида ўз ишини бошлади. Унинг тантанали очилиш маросимида Когон шаҳри ҳокими Ҳаким Ҳошимов, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бош бошқармаси бошлиғи Шукрулла Ҳакимов ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Таъкидлаш керакки, бу ерда малакали банк ходимлари юридик ва жисмоний шахсларга кенг қўламли молиявий ва консалтинг хизматларини кўрсатади. Хусусан, офисда ҳисоб рақам ва пластик карточалар очиб, кредит олиш учун ариза бериш, омонатларни расмийлаштириш, барча турдаги тўловлар ҳамда халқаро пул ўтказмаларини амалга ошириш мумкин. Замонавий банкومات ва инфокиосклар 24/7 режимида ишлайди. Бу миллий ва халқаро пластик карталардаги маблағларни нақдлаштириш, коммунал, мобил алоқа операторлари, шаҳар телефонлари, кабель телевидениеси, интернет хизмати учун тўловларни ҳафтаинг исталган кун, ҳар қандай вақтда амалга ошириш имконини беради. Марказларда жойлаштирилган универсал кассалар эса мижозларнинг навбат кутиб сарсон бўлишларига ҳам чек қўяди.

Ушбу янги офис марказий бозорнинг шундоққина ёнида жойлашган. Бозорга тушган киши йўл-йўлақай банкдаги ишини ҳам жуда қисқа фур-

сапта битириб олади. Шу тўғрисида бундай банк оғислари маҳаллий аҳоли томонидан катта ҳур-сандчилик билан кутиб олинди. Нега деганда, олдинлари одамлар ҳар қандай молиявий амалиётни бажариш учун банк филиалига боришлари керак бўларди. Энди эса ана шундай овозгарчиликларга чек қўйилди.

Аваллари бозоримиз ҳудудидида бундай банк оғислари йўқ эди, — дейди фуқаро Зулхумор Умарова. — Кредит олиш, омонатларни жойлаштириш ўқда турсин, оддийгина пластик карточкамиздаги маблағни нақдлаштириш учун ҳам бир неча километр йўл босиб, банк бўлиналарига борардик.

«Туронбанк» АТБ ташаббуси билан ушбу хизмат кўрсатиш офисининг очилиши узоғимизни яқин, мушкулимизни янада осон қилди. Очилиш маросимида иштирок этдим. Барчаси замонавий, мутахассислар ҳам саволларимизга тезда жавоб қайтариб, хизматлар билан таништиришмоқда. Бунинг учун ташкилотчиларга ўз миннатдорчилигимни билдираман.

Яна шуни қўшимча қилиш керакки, мазкур оғислар орқали «Туронбанк» АТБ мижозлар учун махсус «Markaz» номли тариф режасини ҳам ишлаб чиқди. Унга қўра, барча «Банк хизматлари оғис-

лари»нинг янги мижозлари учун «дебет» айланмадан ундириладиган хизмат ҳақи бир йил давомида белуль этиб белгиланди, яъни 0 фоиз.

«Туронбанк» АТБнинг бундай банк хизматлари оғислари учун 9 тага етди. Келгусида республика миқёсида уларнинг сонини янада кўпайтириш режалаштирилган. Хозирги кучли рақобат даврида ўз мижозларига энг сифатли хизмат кўрсатадиган банк ютишини инobatга олсак, «Туронбанк» АТБ бу борада бундан кейин ҳам илгорлар сафиди бўлди.

Қисқача айтганда, давлатимиз раҳбарининг «Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори мижозларга хизмат кўрсатиши замонавий ёндашувлар асосида тақомиллаштиришда дастуриламал вазифасини ўтамоқда. Шу тўғрисида истаъмолчилар манфаатлари тўла қаноатлантирилиб, янги банк хизматлари ва махсулотлари ўз вақтида тадбиркорлар ҳамда аҳолининг барча қатламига бирдек етказилмоқда.

Банк ахборот хизмати.

Хизматлар лицензияланган.

«O'ZTRANSOAZ» AJ «YORDAMCHI XO'JALIK» MCHJ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 июлдаги ПҚ-4388-сонли «Аҳоли ва иқтисодиётни энергия ресурслари билан барқарор таъминлаш, нефть-газ тармоғини молиявий соғломлаштириш ва унинг бошқарув тизимини тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан чиқарилган «Ўзтрансгаз» АЖнинг 2019 йил 8 декабрдаги 32-қарорига асосан, «O'ztransgaz» AJ «Yordamchi xo'jalik» MCHJ тугатилаётганлигини маълум қилади.

Даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб икки ой муддатда қабул қилинади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Бунёдкор кўчаси, 47-уй, тел: 71-150-72-88.

Йирик ва кичик корхоналар раҳбарлари диққатига!

«PGS» корхонаси инновацион технология асосида ишлаб чиқарилган, энергия тежамкор, кафолат муддати узоқ ҳамда кафолат муддатидан сўнг хизмат кўрсатиш мавжуд бўлган маиший ва саноат иситкичларини тақлиф қилади.

ISITKICHLARI



MAHSULOT SERTIFIKATLANGAN. Tel.: 71-279-38-54, 71-279-25-23. www.pgs.uz

«TOW Co., Ltd» қўшма корхонаси махсус қурилиш техникаларини тақлиф қилади.

www.uztow.com

«Universal Services of Central Asia»
хорижий корхонаси эҳтиёт қисмлар таъминоти
ва сервис хизматларини кўрсатади.

Манзил: 100099, Тошкент шаҳри,
Юнусобод тумани, Чинобод кўчаси, 87-уй.
Тел.: 71-200-00-27 /28.
E-mail: doosansales@uztow.com

Махсулотлар сертификатланган.

Ушбу жойда
СИЗНИНГ рекламаниз
бўлиши мумкин эди!

Манзил: Тошкент ш., Матбуотчилар к., 32-уй. Тел.: 71-232-10-63, 71-232-11-15. E-mail: reklamaxs@mail.ru, reklama@xs.uz

«Халқ сўзи»даги Реклама

БИЗНЕСНИНГИЗНИ Қўллаб-қувватлайди!

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир **Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1256. 46 745 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Телефонлар:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ТАХРИРИЯТГА КЕЛГАН ҚўЗАМАЛАР тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» наприёт-матбаа акциядорлик компанияси масуъл. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов,
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» наприёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буок Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 02.15 Топширилди — 02.40 1 2 3 4 5 6